



ООО "XB FINANSE KONSULTING"

АУДИТОРСКАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ

г.Ташкент, Госпиталь дахаси 11/2А, телефони 233-02-04
р/сч: 20208000604408712001 АКБ «DAVR-BANK» Чиланзорский филиал
МФО: 00424 ИНН: 205666530 ОКЭД: 69202 audit_xb_finanse@mail.ru

**«Урганч марказий дехқон бозори» акциядорлик жамиятининг
2018 йил якуни бўйича тузилган молиявий хисоботиغا
Ижобий фикр билдирилган**

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Жамият таъсисчилари ва раҳбариятига

Аудиторлик ташиклоти тўғрисида маълумот

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги

“XB FINANSE KONSULTING” аудиторлик ташиклоти.

Ўзбекистон Республикаси. 100015. Ташкент шаҳри, Миробод туман, Госпиталь дахаси 11/2А
Тел: (+99871) 233-02-04. email: audit_xb_finanse@mail.ru

Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиши тўғрисида гувоҳнома - Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 11.05.2005 йилда №1018 сонли гувоҳномаси билан рўйхатдан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 15 май 2008 йилда берилган Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини ўтказишига рухсат берувчи 000676-сонли Лицензияга эга.

Хисоб рақами: 20208000604408712001 «DAVR-BANK» ХАТБ Чиланзор филиали, МФО-01046.
МФО-00424, СТИР: 205 666 530, ИФУТ 69202.

Аудиторлик ташиклоти директори: Рузимов Мансурбек Султонович, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2017 йил 22 декабрь куни берилган № 05540-сонли «Аудитор малака сертификати» га эга.

Аудитор: Рузимов Мансурбек Султонович, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2017 йил 22 декабрь куни берилган № 05540-сонли «Аудитор малака сертификати» га эга.

Аудиторлик текшируви ўтказилаётган корхона тўғрисида маълумот

«Урганч марказий дехқон бозори» акциядорлик жамияти

Ўзбекистон Республикаси, Урганч шаҳар, Жиззах кўча 1-уй.

Хосазм вилоят адлия бошқармасида 2000 йил 25 декабрда 287-сон тартиб рақами билан давлат рўйхатидан ўтган.

Хисоб рақами: 20208000604141274001 «Асакабанк» АТБ Урганч шаҳар филиали,
МФО-00581, СТИР:203708684,, ИФУТ: 68201.

Жамият директори Д.Қаландаров.

Бош хисобчи: А.Сапаев.

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги "XB FINANSE KONSULTING" аудиторлик ташкилотининг аудитори Рузимов Мансурбек Султонович, 2017 йил 22 декабрь кунин берилган № 05540-сонли «Аудитор малака сертификати», аудиторлик ташкилоти билан «Урганч марказий дехкон бозори» акциядорлик жамияти ўртасида 26 март 2019 йилда тузилган № 90/13-19-сонли шартномага асосан «Урганч марказий дехкон бозори» акциядорлик жамиятининг 01.01.2018 йилдан 31.12.2018 йилгача бўлган даври учун 01.01.2018 йилда тузилган – «Бухгалтерия баланси» – 1-сонли шакл, - «Молиявий натижалар тўғрисидаги Ҳисобот» – 2-сонли шаклларида иборат молиявий ҳисоботининг ишончлилигини аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Урганч марказий дехкон бозори» акциядорлик жамияти илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини билдиришдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга бўлишига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини амалга оширишни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Урганч марказий дехкон бозори» акциядорлик жамияти 2018 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари:

М.С.Рузимов.

Аудитор

М.С.Рузимов.